

2-б. ШАРТНОМАДА БЕЛГИБАН ҚОНДАЛАР  
МАЖБУРИ КЎЧА ЭГА БЎЛИШ МУАМИ

5-б. ... ПУЛААРИНИНГ 50 ФОНЗИНИ МЕНГА ҚОЛДИРСАН,  
ХЎЗИРОҚ ХИСОБ-КЎТОБ ҚИЛДИРАМАН

6-б. ГИЁХАНДАЛКНИНГ ОҚИБАТИ ҚЕЧ ҚАЧОН  
ЯХШИЛИК БИЛАН ТУГАМАЙ

8-б. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ЕДГОР САЪДИЕВ  
«ХУҚУҚ» МЕХМОНИ

*Mustaqillik huquq demakdir*

# НУШУШУ

# 15

(278)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz

Апрел

D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Y	6	13	20	27	

2003

## КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ



Республика Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, тегишли вазирлик раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Йиғилишни Республика Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди. Унда меҳрибонлик уйлари ҳамда жисмоний ва руҳий нуқсонли болалар махсус муассасаларида таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларга таълим-тарбия бериш ҳолати муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 360-қароридан келиб чиқиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида комиссиялар фаолияти ўрганилганда меҳрибон-

лик уйи ва махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган болалар шароитини яхшилаш борасида ижобий ишлар қилинганлиги қайд этилди.

Жумладан, тарбияси оғир, профилактик ҳисобда турган болаларни касбга йўналтириш ҳамда спорт тўғрисидаги жалб қилиш учун Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида «Ёшлар марказлари» ташкил этилган.

Наманган вилоятида ота-она қарамоғисиз қолган ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилардан 108 минг нафарига бепул дарсликлар, 15

минг нафарига ўқув фонди ҳисобидан кийим-бош берилган. Вилоятдаги ота-онаси бўлмаган ҳамда кам таъминланган оила фарзандларининг ҳар бирига Халқ таълими бошқармасининг «Мураббий» жамғармаси ҳисобидан омонат дафтарчалари очилган.

Фарғона вилоятида ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш учун Марғилон шаҳар марказий истироҳат боғида жойлашган болалар спорт зали 1,5 млн. сўмга қайта таъмирланиб, ўқувчилар ўртасида турли мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, махсус тарбия муассасаларини моддий-техник жиҳатдан таъминлашда жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланган.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган

болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва жойлаштириш, таъминот, таълим-тарбия беришда қонун бузилиши ҳолларига барҳам берилмаган. Жойлардаги комиссиялар томонидан мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган.

Йиғилишда йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида сўз бориб, комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича тadbирлар белгилаб олинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Суратлар муаллифи В.МИСИН

### ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2003 йил 8 апрелдаги буйруғи билан Валиев Баҳриддин Баҳодирович Тошкент шаҳар прокурори лавозимига тайинланди.

Баҳодир Валиев 1965 йил 1 октябрда Самарқанд вилоятида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти олий, 1989 йилда Тошкент Давлат университетини, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги давлат ва жамият қурилиши академиясини битирган.



Б. Валиев меҳнат фаолиятини 1989 йилда Самарқанд вилояти Иштихон тумани тайёрлов идорасида юрист лавозимидан бошлаган. 1990 йилда прокуратура тизимига ишга ўтган ва Иштихон туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи, ёрдамчи, терговчи, Самарқанд вилояти прокуратурасининг катта терговчиси, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси прокурори, катта прокурори, туман прокурори, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари — тергов бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаб келган.

### РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Унда Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғiston Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий ва транспорт прокурорлари қатнашдилар.

Мажлисда 3 та масала муҳокама қилинди.

Дастлаб Ўзбекистон Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Муҳокамада фармоннинг асосий мақсади жиноят содир қилган шахсларнинг қилмишларини кечириш орқали уларни қайта тарбиялаш, жамият ва оиласи учун ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишга жалб қилиш эканлиги таъкидланди, бу йўналишда прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилганлиги, турли сабабларга кўра жиноят содир қилган 59.452 нафар шахсга ушбу фармон татбиқ этилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Галдаги вазифа сифатида амнистия актига биноан жазодан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш ва профилактик назорат ишларини ташкил қилиш орқали бу тоифа шахслар қайта жиноят содир этишининг олдини олиш эканлиги белгиланди.

Шундан кейин Наманган вилояти ва Ўзбекистон Транспорт прокуратураларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини яқли текшириш натижалари муҳокама қилиниб, мазкур прокуратуралар томонидан қатор ишлар амалга оширилганлиги, бунинг натижасида ҳудудларда барқарор ижтимоий вазият сақланиб келинганлиги таъкидланди.

Қун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва уларнинг ижроси Бош прокуратура томонидан назоратга олинди.

Республика Бош прокуратурасининг матбуот маркази

### Чоршанбадан Чоршанбагача

9 апрель

Пойтахтимиздаги Амир Темур хибонида Соҳибқирон Амир Темур таваллуд толган кун муносабати билан катта тadbир ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг 2003 йил биринчи чораги яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

10 апрель

Украина президенти Леонид Кучма 10-11 апрель кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш, қурилиш материаллари sanoati, уй-жой коммунал хўжалиги ва транспорт мажмуининг 2003 йил биринчи чораги яқунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

11 апрель

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари бўйича парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Олий Мажлиснинг Атрофмуҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

### Моҳият

*Мардлик билан  
кучида ва шамшир  
ўйнатиш санъатида  
эмас, мардлик ўзини  
тута билишда ва  
адолатли бўлишда-  
дир.*

САЪДИЙ

**HU HAQDA VAZIRLAR MAHKAMASIDA GAPIRILGAN EDI**

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида юртовшияз «2002 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш учун ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари» номли маърузасида қишлоқ хўжалигини ислох қилиш муаммоларини ҳал қилмай туриб, тўла маънодаги иқтисодий ислохотларни давом эттириш мумкин эмаслиги, агросаноат мажмуида шартнома тизими ишламаётгани, субъектлар шартнома мажбуриятларини бажармагани учун етарли масъулият сезмаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигини ислох қилишга қаратилган асосий ҳуқуқий база яратилганига қарамай, шартнома тизимининг пастлиги ва унинг қишлоқ хўжалигини ислох қилиш борасида ҳамон энг заиф бўлиб қолаётганига сабаб нима?

Бу саволга жавоб топиш учун қабул қилинган қонунларни ҳаракатга келтирувчи механизмларни таҳлил қилиб кўрайлик. Фикримизча, ўтган давр мобайнида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган қонунчилик ва ҳуқуқий асос яратилган.

1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Фуқаролик кодексида қишлоқ хўжалигини ислох қилишга қаратилган барча ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Бундан қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, уни сотиш, харид қилиш ва етказиб бериш бўйича иқтисодий муносабатларни белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган.

1997 йил 11 мартда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-ки-тоблар тизimini тақомиллаштиришга оид тўб чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонда етиштирилган маҳсулотларни ҳамда қишлоқ хўжалигида етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар учун молиялаш ҳамда ҳисоб-китобларнинг шартномавий-ҳуқуқий муносабатларини муस्ताҳкамлашга ва шартнома мажбуриятлари бўйича таваққулчиликларни суғурталашга

# ШАРТНОМА

асосланган принципиал янги тизим жорий қилинди.

1994 йил 29 августда Вазирлар Маҳкамасининг 438-қарори билан тасдиқланган «Контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисида»ги низомада белгиланган қоидаларни давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етказиб бериш муносабатларига татбиқ қилиб бўлмайд. Бу низома, биринчидан, ФК амалга киритилишидан анча аввал тасдиқланган бўлиб, ундаги қоидалар давлат контрактига асосан маҳсулот етказиб беришни тартибга солувчи қоидаларга тўғри келмайди.

Давлат эҳтиёжи учун давлат контракти асосида маҳсулот етказиб бериш ва контракция шартномаси алоҳида шартнома турларидан иборатлиги ФК ҳамда Президентнинг 1997 йил 11 мартдаги фармонда белгилаб берилган. Давлат контракти билан контракция шартномаларининг ҳар бири ўзига хос

хусусиятларга эга ва принципиал жиҳатдан фарқ қилади.

Аввало шунга таъкидлаш керакки, контракция шартномасида тақлиф (оферта) шартнома тузиш учун маҳсулот етиштирувчи томонидан берилади. Хўжалик етиштирадиган маҳсулотини сотиш учун харидор топиб, унга давлат контрактидан ортиб қолган маҳсулотини ёки давлат контрактида назада тўтилмаган етиштирилган маҳсулотини сотиш учун сотиб олувчи билан шартнома шартларини келишиб олади. Маҳсулотни сотиб олувчи эса, қоида тарқасида, маҳсулотни белгиланган муддатда маҳсулот етиштирувчи жойлашган ерда қабул қилиб олади.

етказиб берувчи (ижрочи) учун мажбурий ҳисобланади».

«Давлат контрактининг бажарилиши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га етказилган зарар давлат контрактига биноан қопланмаган тақдирда маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат контрактини бажаришдан беш тортишга ва давлат контракти бекор қилинганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг қопланиши талаб қилишга ҳақли» (ФКнинг 464-моддаси 2-қисми). Шунинг учун ҳам давлат контрактига асосан маҳсулот етказиб беришда хўжаликларнинг зарар кўрмастидан давлат манфаатдор. Шу сабабдан, давлат эҳтиёжи учун бе-

муносабатларни тартибга солиш шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар (ФКнинг 353–385-моддалари), шунингдек, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ФКнинг 234-моддаси), икки ва кўп тарафлама битимлар тўғрисидаги қоидалар ҳам қўлланилиши мумкин.

Кўрсатилган ҳуқуқий нормаларга асосан, давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етказиб бериш бўйича давлат контрактини тузиш тартиби ва шартларни акс эттирувчи маҳсулот низоми ишлаб чиқиш, ҳуқуқат томонидан тасдиқланиши шарт.

Низомада давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва етказиб беришининг асосий қоидалари, давлат контракти тузиш асослари, тартиби ва шартлари, хўжаликнинг шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлиги, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун моддий жавобгарлик сингари ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилувчи қоидалар назарда тутилган керак. Низомага асосан тайёрланган давлат контракти ва давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етказиб бериш шартномасининг намунавий шакллари тасдиқланиши лозим. Тегишли органлар томонидан тасдиқланган намунавий шартномада белгиланган қоидалар мажбурий кўчга эга бўлиши мумкин. Шу билан бирга унда маҳсулот етиштирувчининг эркин ҳаракат қилишига асос бўлган қоидалар ўз аксини топиши зарур.

Шундангина шартнома мажбуриятлари бажарилади, ҳосилдорлик ошади ва маҳсулот сифати яхшиланади. Ислохот натижасида деҳқон ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритади.

**Рустам МУҲАМЕДОВ,** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар номзода

**TADBIR**

## ТЕРГОВЧИЛАР ТАНЛОВИ

Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан «Энг яхши терговчи» кўрик-танлови ўтказилди. Унда вилоят ва туман, шаҳар прокуратуралари терговчилари иштирок этишди.

Кўрик-танлов ҳақамлари ҳайъати томонидан прокуратура органлари терговчиларининг билим, касб малакаси, дастлабки тергов самарадорлигини ошириш, жиноий жазо муқаррарлигини таъминлаш ва шу каби бир қатор муҳим йўналишлар бўйича фаолияти ҳар томонлама таҳлил этилди.

Вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими катта терговчиси У.Хуррамов кўрик-танлов голиби деб топилди. Вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси Э.И. Ҳаев, Жаркўрган туман прокуратурасининг терговчиси Ш.Шотўраевлар фаолияти ҳам ижобий баҳоланди.

— Бундай тадбирлар терговчиларнинг ўз хизмат вазифасини бажаришда масъулият ва жавобгарлик ҳиссини кучайтириш, билими, касб малакасини ошириш, уларни янгича фикрлаш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди вилоят прокуратураси ўринбосари Х.Абдувоҳидов. — Шу боис бу кўрик-танлов келгусида ҳам ўтказиб берилади.

Қ.ЖУРАНАБОВ, «Хуқуқ» муҳбири

**BOLALARGA BERING DUNYONI**

Йўналишларидан бирига айланган. Воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар содир этиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги қарори асосида ёшларни жисмонан соғлом, маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик, ҳар хил зарарли таъсирлардан асрашда мутасадди идоралар фаолиятини мавқофлаштириш юзасидан 2000-2005 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва талай ибратли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, шу йилнинг 27 январь — 1 февраль кунлари Республика Бosh прокуратурасининг ўқув марказида бўлиб ўтган машғулотларда шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузурдаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар масъул котиблари ўзлари учун керакли маслаҳатларини олишди.

Самарқанд вилояти аҳолисининг 40 фоизини воёга етмаганлар ташкил этади. Демак, тарбиявий ишлар салмоғи ҳам шунга яраша бўлиши керак. Вилоятда 1181 та умумтаълим мактаби, 36 та касб-ҳўнар коллежи, 2 та академик лицей, 5 та лицей-интернат, 13 та ўрта махсус ўқув юрти, 14 та касб-ҳўнар мактаби, 91 та мактабдан ташқари таълим ва 723 та мактабгача тарбия муассасаси, 4 та меҳрибонлик уйи ва 14 та махсус мактаб-интернат мавжуд. Бироқ мазкур масканилардаги тарбиявий ишлар билан қаноатланиб қолмаган ҳолда комиссиялар бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўсмирлар ўртасида «Баркамол авлод — юрт бахти», «Огоҳлик — муқаддас бурч», «Гиеҳ-вандликнинг оқибати» мавзуларида тадбир ва давра сўхбатлари уюштириб келишмоқда. Жумладан, вилоят комиссияси томонидан ердамга муҳтож 2486 нафар 1-9 синф ўқувчилари аниқланиб, уларга ҳомиқлар 52 млн. сўмлик кийим-кечаклар совға қилинди.

Амалга оширилган ишлар самараси кетгани йўқ. 2002 йилнинг 1-чорада якунига келиб, воёга етмаганлар содир этган жиноятлар 2002 йилнинг 1-чора-

# ЛАФЗ ДЕГАНИ

Қабул қилиб олиш ва олиб кетиш таъминламаган тақдирда сотиб олувчи сотувчига кўрган зарарини тўлаш шарт. Агар маҳсулот шартномада белгиланган ҳоллардаги ва асортиментда олинмаганлиги олдиндан маълум бўлиб қолса, сотиб олувчи шартномани бекор қилишни ёки ўзгартишни ва кўрган зарарини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

«Давлат контрактини тузиш, — дейилади ФКнинг 459-моддаси 3-қисмида, — қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва давлат контрактини бажариш туфайли маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) кўриши мумкин бўлган барча зарарни давлат бююртмачиси қоплаган тақдирдагина маҳсулот

рилган давлат бююртмасини бажарувчи хўжаликларни рағбатлантирувчи, уларнинг манфаатларига ишловчи бир қатор имтиёزلарни белгилаш керак.

Бунинг учун ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилувчи корхоналар билан хўжаликлар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши устидан назоратни, мажбуриятни бажармаганларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини кучайтириш керак.

ФҚда маҳсулот етиштириш ва сотиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳам бир шартнома тури бўйича ўзига хос ҳуқуқий нормалар белгиланган. Шу билан бирга шартномаларга доир миссия умумтаълим мактаблари ва боғчаларга жиҳозлар сотиб олиш учун ҳомиқлар томонидан 660.283.000, компьютер учун 262.500.000, капитал таъмирлашга 768.000.000 сўм ажратилишига ўз ҳиссасини қўшиди.

Жорий йилнинг 1-чорагида мактаб, маҳалла ва ота-оналар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилмаганини, ўсмир тарбиясига эътиборсизлик мактабларнинг 5 нафар ўқувчиси ўз жонига қасд қилишга олиб келди. Тизимдаги энг ачинарли аҳвол эса, айрим мактабларда тарбияга муҳтож тарбиячилар ишлаб

# ЁШЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

## УЛАР МЕҲР-МУҲАББАТИМИЗНИ, РАҒБАТИМИЗНИ ВА ЭЪТИБОРИМИЗНИ ҲИС ҚИЛИБ ТУРИШИН

гига нисбатан кескин қамайганлиги маълум бўлди. Бироқ бу қилинган ишлардан қаноатланишга энос бўлолмайди. Бониси, умумий жиноятлар сони қамайишига эришилгани ҳолда, болалар қонунбузарлигининг олдини олиш бўйича Ўрган, Нарпай, Тайлоқ, Пактича туманларида бирмунча камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Хўш, бунинг асосий сабаблари нима? Ички ишлар идораларининг воёга етмаганлар ишлари бўйича масъул ходимлари ўз вазифаси қилиб, бошқа ишларга жалб қилинапти. Мактабларда таълим-тарбия ишлари етарли даражада олиб борилмапти.

Шу ўринда вилоят комиссиясининг бир таъаббусини таъкидлаб ўтиш жоиз. Комиссия қарори билан ҳар ойднинг охириги шанбаси вилоят бўйича «Мактаблар кунин» деб эълон қилинган. Тоқсониянинг сайёр йиғилишларида кўрилган таълим тизимидаги муаммолар муҳокам қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари курилмоқда. Биргина жорий йилнинг март ойида қо-

келаётганлигидир.

Масалан, Қўшработ туманидаги 53-мактаб ўқитувчиси Н.Ҳамроев, Пастдакот туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Ҳ.Бухорова, Урган туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси С.Жуманов, 52-мактаб ўқитувчиси С.Абдурашидовлар қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Нуробод туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси О.Тожбоева 650 грамм марихуанани сотаётган вақтида қўлга олиниб, жиноят иши қўзғатилган.

Кўриниб турибдики, воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар зиммасидаги масъулият юки энгил эмас. Шаҳар ва туман комиссиялари ишига ердан бериш мақсадида вилоят комиссиясининг 19 нафар аъзоси мазкур комиссияларга бриктиртилди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят кенгашининг 2002 йил 26 ноябрда бўлиб ўтган сессиясида «Вилоятда воёга етмаганлар билан ишланиш янада яхшилаш чора-тадбирлари бўйича 2003 йилга мўлжалланган дастур» қабул қилинди. Профилактик ҳисобда турувчи 497 на-

ди. Шунингдек, жорий йилнинг 27-28 март кунлари шаҳар ва туманларда бўлиб ўринлари ярамаси ташкил этилиб, 1936 нафар бекор юрган ўсмирлар мавсумий ва муқим ишларга жойлаштирилди.

Шунингдек, ҳокимиятлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари Наврўз байрами кунлари ҳуқуқбузарликка мойил ўсмирлар билан бир пиёла ҳоли устида дилдан сўхбатлашиб, болаларнинг оруз-истаклари билан қизиқдилар. Уларга ҳаётда ўз ўринларига эга бўлишлари учун йўл-йўриқ кўрсатдилар.

Бундай мулоқотлардан болалар катта таассурот ва сабоқ олишлари шубҳасиз.

**Воёе РОФИЕВ,** Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби

# Мактублар Шикоятлар Жавоблар

Маълумотлар  
мақому

## ҲАҚИМИЗНИ ОЛОЛМАЯПМИЗ

Хурматли тахририят!

Биз тоғли қишлоқ шaroитида ишсизлик муаммосидан қийналиб яшасак-да, ҳар йили апрель-май ойларида хўжаликдан шартнома асосида ипак курти олиб, оиламиз билан бир ой мuddатда машаққатли меҳнат завоизга боқиб, туман пиллачилик корхонасига 100-200 килодан пилла хомашёси топишамиз. 2002 йилги мавсумда ҳам пилла топишган эдик. Шу йили хўжалигимиз ҳамда туманимиз давлатга пилла сотиш режасини ошиғи билан бажарди. Эндликда туман ҳоқими С.Жўраев ҳам, «Наврў» ширкат хўжалиги раиси Э.Қобилов ҳам бир неча бор мурожаат қилишимизга қарамай иш ҳаққимизни туман пиллачилик корхонасидан ундириб беришни пайсалга солиб келмоқда. 2002 йил апрель ойида озроқ миқдорда иш ҳақи берилган эди, ҳосил топирилгандан кейинги иш ҳақларимиз ҳозирга қадар тўланмасдан келмаяпти. Яқинда яна пилла мавсуми бошланди. Шунгача ҳам пиллабоқарлар иш ҳақини оломаса, адолатсизлик эмасми? Вазиrлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори бекорга чиқарилмаандир. Бироқ айрим жойларда ушбу қарор ижросидаги лоқайдликлар фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Аризамизни эътиборга олиб, муаммони ҳал этишга ёрдам берасизлар деган умиддамиз.

С.ЮСУПОВ, Ш.ТУРСУНОВ ва бошқалар,  
Сурхондарё вилояти  
Шеробод тумани

### АЛИМЕНТ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Тошкент шаҳри Чилонзор туманида истиқомат қилувчи М.Сайимовнинг қарздор Р.Сайимовдан фарзанди таъминоти учун алимент пулларини 2002 йил июль ойидан бери ололмаётганлиги тўғрисидаги аризаси юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Фуқаролик ишлари бўйича Яксарой туманлараро судининг 2001 йил 9 февралдаги 805-иқро варақасига асосан Р.Сайимовдан М.Сайимова фойдасига ойлик маошининг 1/4 қисми миқдорда алимент ундириши белги-ланган ва ижро қилиш учун Ҳамза туман суд ижрочилари бўлинмасига келиб тушган.

2001 йил 14 май кuni ижро варақаси «Тошқишлоқмаш» корхонаси ҳисобхонасига қарздорнинг иш ҳақидан ундириш учун топширилган. Шундан сўнг алимент пуллари қарздорнинг иш ҳақидан ундириб келинган.

«Тошқишлоқмаш» корхонасида қарздор 2002 йилнинг декабрь ойида 2002 йил июль ойи учун иш ҳақини олган. Шундан кейин 3197 сўм алимент ундирилиб, М.Сайимовага юборилган.

Макур ижро иши юзасидан Ҳамза туман суд ижрочилари бўлинмасига домий назорат қилиб, алимент пуллари ўз вақтида юборилишини таъминлаш ҳақида қўрсатма берилди.

У.АБДУАЛИЕВ,

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими бошлиғи

### «ҚўШИҚЛАРДА ҲАЁ БЎЛСИН»

«Huquq», 2003 йил, 8-сон

Хоразм вилоят ҳоқимлиги Маданият ишлари бошқармаси шуну маълум қиладики, мақолада асосли танқидий фикрлар билдирилган. Кўрсатиб ўтилган камчиликлар маданият ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида кенг муҳокама қилинди.

Мақолада тилган олинган Сарвиноз Кўрғезованинг «Ёнаман», «Енингдаман», «Айланай», «Толдим» ва бошқа бир қатор қўшиқлари ҳақиқатан ҳам тингловчиларнинг нафсониятига тегадиган қилиб ижро этилган.

Бундай сийқаси чиққан шеърларни қўшиқ қилиб айтиб, аудиокассета, видеокассета ва ҳар хил дискетларни сотиш қонун билан таъқиқланган.

Ана шундай реклама турлари билан шугўлланувчи овоз ёзиш студиялари давлат томонидан бериладиган лицензияга эга бўлган тақдирдагина баддий кенгашлардан ўтган қўшиқларни сотувга чиқаришлари мумкин.

Бундан буён беҳаё қўшиқлар ижро қилинмаслиги, ёзиб олинган аудио ва видео тасмаларнинг савдога қўйилмаслиги учун мутасадди ташкилотлар билан биргалликда чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бу тадбирлар яқин фурсатлар ичида самара беради деган умиддамиз.

С.БОБОЖОНОВ,

Хоразм вилоят ҳоқимлиги Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

### «ЭРТАКЛАР ЯХШИЛИККА ЭТАКЛАР... ЭДИ»

«Huquq», 2003 йил 7-сон

Халқ таълими вазиrлиги журналист Д.Исломовнинг «Эртаклар яхшиликка етаклар... эди» номли мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Вазирлик томонидан болаларга қўшимча ўқиш учун 2000 йили 200 минг нусxada (ҳар бир мактабга 20 донадан) ўзбек халқ эртаклари китобча шаклида чоп этилиб юборилган.

Ҳозирда турли йўллар билан чоп этилиб, жойларда сотилаётган эртакларни муҳокамадан ўтказиш ва чоп этиш учун тавсия қилиш вазирлик ваколатига кирмайди. Тижорат йўли билан чоп этилаётган эртак китоблар вазиrлик рухсатисиз нашр қилинади.

Макур масалада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Болалар адабиёти» кенгаши у ёки бу китобни чоп этиш ёки чоп этмаслик юзасидан ўз фикрини беради. Шундан кейин уюшма хулосасига асосан нашриёт қарор қабул қилади.

Халқ таълими вазиrлиги ушбу масалада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига болалар учун чиқарилаётган барча адабиётларни мазмунан таҳлил этиб, назоратга олиш юзасидан мурожаат қилди.

У.МУСАЕВ,

Халқ таълими вазири ўринбосари

### ГАРОВ ҚЎЛЛАНИЛДИ

Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан фуқаро А.Сангилованинг ўғли А.Сангиловга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини ўзгартиришни сўраб тахририятга йўллаган аризаси қўриб чиқилди.

А.Сангилованинг аризасида қайд этилган важлар ва айбланувчи томонидан етказилган зарарнинг бир қисми қопланганлиги инобатга оlinиб, ИИБ ТББ терговчиси Х.Ҳожиевнинг эҳтиёт чорасини ўзгартириш тўғрисида 2003 йил 25 февралдаги қарори билан гаров эҳтиёт чораси қўлланилиб, А.Сангилов қамокдан озод қилинди.

Э.ЙЎЛДОШЕВ,

Сирдарё вилоят прокуратурининг биринчи ўринбосари

### МУТАХАССИСЛИГИ ТЎҒРИ КЕЛМАГАН

Яккабоғ туман прокуратураси тумандаги А.Ҳолиқов номли ширкат хўжалиги Чайдари қишлоғида яшовчи А.Мейлиевнинг тахририятга йўллаган аризаси юзасидан текшириш ўтказди.

Аниқланишча, А.Мейлиев 1999 йил 10 сентябрдан 2002 йил 27 майга қадар хўжалик сут-товар фермаси мудири лавозимида ишлаб келиб, шу кuni хўжалик бошқарувининг умумий йиғилиши уни вазифасидан озод қилиб, бошқарув раиси муовини этиб сайлаш тўғрисида қарор чиқарган.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасига асосан туман прокуратураси томонидан макур гайрикўнуний қарорни бекор қилиш ҳақида протест киритилган. Хўжалик раиси Ж.Рўзибоев протестни умумий йиғилишда қўриб чиқиб, туман прокуратурасига А.Мейлиев 2002 йил 31 октябрь кuni ишга тикланганлиги тўғрисида маълум қилган.

2003 йил 6 январда хўжалик раиси Ж.Рўзибоев лавозимидан озод этилган ва хўжалик раиси вазифасини вақтинча И.Бўриев бажариб келган.

23 январь кuni хўжалик умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниб, чорвачилик бўйича мутахассис бўлмаганлиги сабабли А.Мейлиев сут-товар фермаси мудири лавозимига нолойиқ деб топилган.

М.ТУРОПОВ,

Яккабоғ туман прокурори вазифасини бажарувчи

### ТАХРИРИЯТДА:

А.Мейлиев ўз мактубида Ж.Рўзибоев уни ишга тикланганлиги тўғрисида прокуратурага ёлгон маълумот берганлиги, аслида ишга тиклашни рад этиб келганлигини ёзган эди. Туман прокуратураси текширув натижасига кўра ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо бермаганлиги М.Туроповнинг жавобидан кўриниб турибди.

Қолаверса, ўзи ёзганидек, «хўжалик чорвасини ривожлантиришга ҳиссасини қўшиб келайтган» ферма мудирини ишдан бўшатилган кўзланган мақсад нима? Ҳамма гап унинг қорвачиликни ривожлантираётганида эмасми?

Туман прокуратурасидан бизга маълум қилишларича, солиқ раис Ж.Рўзибоев хўжалик мулкни талон-тарож қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Умуман, А.Ҳолиқов номли ширкат хўжалигидаги бундай носоғлом муҳит хали кўпчиликнинг юқори ташкилотларга, тахририятларга шикоятлар ёзишига сабаб бўлади шекилли.

### «НИЗО»

«HUQUQ» 2002 йил, 51-сон

Макур мақола Республика Бош прокуратурасининг судларда хўжалик ишлари қўрилишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишча, Т.Шодиева номли ширкат хўжалиги Фарғона вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, «Мафтуна» фермер хўжалиги билан 1999 йил 23 мартда тузилган ижара шартномасини бекор қилиш, 2001 йил учун тўланмаган 7.014.540 сўмлик ижара ҳақи, 512.688 сўм электрэнергия ҳақи, 7.368.417 сўмлик пеняни ундиришни сўраган.

Биринчи ва апелляция инстанция судлари ижара шартномасини бекор қилишда шартнома давлат рўйхатидан ўтмаганлиги ҳамда ижара ҳақи ижара ҳақи тўланмаганлигини важ қилиб келтиришган.

Бироқ Фуқаролик кодексининг 115-моддасига кўра, шартноманинг қонунда белги-ланган шаклига риоя этмаслик фақат қонунда тўғридан тўғри қўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. ФКнинг 551-моддасига кўра, ижара ҳақи муқддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузганда ижара шартномаси муқдатидан олдин бекор қилинишига асос бўлади.

Бундан ташқари, «Мафтуна» фермер хўжалиги ижара шартномаси тузилгандан кейин давлат рўйхатидан ўтганлиги ва бошқа шу каби важлар суд мажлисларида тегишли хўжатлар билан тасдиқланмаган ва ишда мавжуд эмас. М.Бўтабоев ва бошқаларга ушбу янги очилган ҳолатлар юзасидан кассация инстанцияси қарорини қайтадан қўриб чиқиш ҳақидаги ариза билан Хўжалик процессуал кодексининг 204-205-моддаларига мувофиқ Олий хўжалик судига мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилди.

У.ТЎХТАМИШОВ,  
бўлим бошлиғи



**GUOXORLIK** **PROKUROR MINBARI**

Гуноҳга иқроорлик — покляниш демакдир. Аммо-лекин гуноҳкорлик фақат айбларгагина иқроорлик дегани эмас, балки моҳиятини англаб, ҳақиқатнинг муқаддас эшигига калит солиш ҳамдир. Шундай деймиз-у, масаланинг бошқа томони ҳам бор: гуноҳкорлик ким томонидан содир этиляпти. Агар у онгли равишда қилинган бўлса-чи? Ҳолатнинг прокурор аралашувигача етиб келиниши қандай изоҳни ифода этади?

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олишга қаратилган қонунлар талабларининг ижроси юзасидан Каттақўрғон шаҳар прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди.

Ушбу жараёнда шаҳар ҳокимлиги томонидан юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига риоя қилинмаганлиги, тадбиркорларнинг манфаатларига мөнелик қилувчи меъёрий-ҳуқуқий актлар қабул қилиниб, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўйилганлиги ҳолатла-

ри аниқланди. Очирок айтилган бўлса, амалдаги қонун талабларига зид равишда тадбиркорларнинг маблагларини уларнинг розили-

гисиз ўзга мақсадларга ишлатиш ҳолларига йўл қўйилган. Шаҳар ҳокимининг 2002 йил 5 февралдаги 10-«ф» сонли «Наврўз» халқ ҳашарини ўтказиш ҳақидаги фармойишга асосан «Наврўз» жамғармаси ташкил қилиниб, «СамЭкон» масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 9500 сўм, «Нон» ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 50000 сўм, «Пахтамаш» ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 100000 сўм, «Каттақўрғонёғмой» ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 1000000 сўм, «Шоҳруҳжон» хусусий корхонаси ҳисобидан 10000 сўм ўтказилиши юклатилган ва ушбу маблаг-

лар «Наврўз» жамғармаси ҳисоб рақамига келиб тушган.

Яна бир қонунбузилиш ҳолатлари хусусида тўхталмасликнинг иложи йўқ, 2002 йил 20 июнь кuni шаҳар ҳокимининг 461-«қ» сонли қарори чиқарилиб, у билан шаҳар ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ҳўжалик юри-тувчи субъектларга шаҳарда фаолият юритаётган «Садо-ТВ» телевидениесини ривожлантириш учун ҳар бир чоракда, яъни 29 июнь, 28 сентябрь, 21 декабрь кунлари шанбалик ўтказилиб, жамоаларнинг бир кунлик иш ҳақини «Садо-ТВ» телевидениеси жорий ҳисоб рақамига ўтказиш корхона раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Бундан ташқари, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2002 йил 12 февралдаги 111-«қ» сонли қарори чиқарилиб, у билан шаҳардаги «Кенжа» хусусий корхонаси учун шаҳар «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти ёнидан ажратилган

майдонда аҳолига хизмат кўрсатиш ва патта йиғимини териш юклатилган. Бироқ, «Кенжа» хусусий корхонаси низомида бозор фаолияти билан шуғулланиш кўзда тутилмаганлиги аён бўлди. Чунончи, шаҳар ҳокими ўзининг қарори билан тадбиркор Шухрат Аминовга унинг ваколатига кирмаган ва-зифани юклаб, фаолиятига ноқонуний аралашган. Шаҳар прокуратураси томонидан Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2002 йил 29 июндаги 461-«қ», 2002 йил 12 февралдаги 111-«қ» сонли қарорларига нисбатан уларнинг бекор қилиниши ҳақида прокурор таъсир чораси сифатида протестлар киритилди ва бемаврид қарорларнинг бекор қилиниши таъминланди.

Шаҳобиддин ОБИДОВ,  
Каттақўрғон шаҳар прокурори,  
адлия маслаҳатчиси

**QAROR VA IJRO****НИҚОБЛАНГАН  
ҚАЛЛОБЛИКЛАР**

Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-қарори ижросини таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратилляпти. Булардан тўғри фойдаланган юртдошларимизнинг турмуш фаровонлиги ошмоқда. Давлатимиз бюджетига улар қўшаётган улуш ҳам кам эмас. Лекин айтиш жоизки, бошқа соҳаларда бўлгани каби айрим фуқаролар ўз манфаатлари илнжиде тадбиркорлик соҳасига ҳам доғ туширмоқда. Бу эса ўз наъбатиде қонунбузилишлар келиб чиқишига сабаб бўляпти.

Паркент тумани прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари ўтказган текширишларда ана шундай сохта тадбиркорларнинг кирдикорлари фож этилмоқда. Масалан, М.Мирғаниев тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлишига қарамай, ҳукумат қарорларини четлаб ўтишга ҳаракат қилибди. М. Мирғаниевнинг ҳийласини қарангки, у божхона ҳужжатларида расмийлаштирилган импорт кийим-кечаклар билан бирга 248 минг сўмлик ҳужжатсиз товарлар савдосини амвога чиқарибди. Ушбу ҳолат бўлим ходимлари томонидан ошкор этилди.

Фуқаро Норбўтаевани ҳам ана шундайлар тоифасига қўшиш мумкин. Бўлим ходимлари томонидан унинг фаолияти текширилганида импорт товарлар савдосига оид ҳукумат қарорлари талаби қўпол равишда бузилганлиги аён бўлди. У Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 332.800 сўмлик акцис марказиз спиртли ичимликларни енг ичиде сақлаб келаятган экан. Норбўтаевага нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Хулоса ўрнида таъкидламоқчимизки, ҳар қандай ишда аввало қонунга риоя қилишга ҳаракат қилайлик. Акс ҳолда юқорида номлари зикр этилган фуқаролар сингари юзимиз шувит бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳожибой АСКАРОВ,  
Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармасининг Паркент тумани бўлими бошлиғи

**FARMON VA IJRO****АМНИСТИЯ — БАҒРИКЕНГЛИК  
БЕЛГИСИ**

Халқимизда «Тош билан урганни ҳам ош билан ур» деган яхши ибора бор. Аслида бу сўз халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ажойиб фазилатларидан бири десак ҳам муболага қилмаган бўламыз. «Эҳтиётсизлик оқибатида билмасдан қилгандир». «Бундан кейин бу иш такрорланмайди», «Оиласи бола-чақаси йиғлаб қолмасин», «Мусулмончилик, энди товба қилгандир» деймиз. Ҳақ гап. Чунки, бу мустақил давлатимиз сиёсати, халқимизнинг кечиримлиги, бағрикенглиги ифодасидир.

Суд жараёнида қатнашган бўлсангиз, айбдорнинг «мастлик оқибатида қилиб қўйибман» деб нолишлари ёки онаизорининг «Ўғлим ёмон болаларга қўшилиб қолибди. Бошқа бундай қилмайди», деб ялиниб-ёлворишлари кимнинг юракбағрини эзиб юбормайди, дейсиз. Бу бор гап. Лекин афсус кеч...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция-миз 10 йиллиги муносабати билан қабул қилган Амнистия тўғрисидаги Фармони худди шундай адашиб ёмон йўлларга кириб қолган шахслар учун яна бир синов бўлди, десак адашмаган бўламыз. Ушбу Фармон чиққандан кейин Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 907 нафар киши афв қилинди. Шулардан 769 нафари жазони ўташ муддатидан олдин озод этилганлардир. Улардан 142 нафари аёл-қизлар, 25 нафари ёш ўспиринлардир.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Фуқаро Фарҳод Мурзаев 2002 йил 15 август кuni соат 23 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст ҳолда Нукус шаҳрининг Бештўба посёлкасида яшовчи фуқаро И. Палимовни ҳеч қандай сабабсиз уриб, унга енгил даражада тан жароҳати етказган. У бу билан чекланиб қолмай, олдидан чиқиб қолган фуқаролар С.Олломбергенов ва К.Абдуллаевларга ҳам муштумзўрлик қилади. У С.Олломбергеновга ҳеч бир сабабсиз қўл кўтаради. Фарҳоднинг бу безорилик ҳаракатларини кўриб орага тушган К.Абдуллаев ҳам «орачига олти таёк», дегандай боло-

га қолади. Ф.Мурзаев К.Абдуллаевнинг ҳам юзига тарсаки тортиб юборади. Натижада С.Олломбергенов ҳам, К.Абдуллаев ҳам енгил тан жароҳати олишади. Бу масала Нукус шаҳар жиноий ишлар бўйича суди томонидан кўриб чиқилиб судланувчи Фарҳод Мурзаев 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармонининг 2-моддаси талабига мувофиқ судланувчи белгиланган жазодан озод этилди.

Яна бир мисол: Туркменистон Республикаси фуқароси Ҳурбой Нуреков 2002 йил 18 сентябрь кuni соат 23 ларда божхона назоратидан яшириниб ўтиб ўзи билан 0,1 грамм героин ҳамда 1 грамм бошқа турдаги гиёҳвандлик моддасини Хўжайли туманидаги Амударё ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Мурод Кулумбетовга 14 минг сўмга сотган.

Қонлиқўл тумани жиноий ишлар бўйича судининг 2002 йил 13 декабрь кунги ажрими билан судланувчи Ҳурбой Нурековга нисбатан ҳам давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Амнистия тўғрисидаги Фармони қўлланилди ва у суд залидан озод этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жазони ўтаб келган 594 шахс ҳисобга олинган. Бугунги кунда жазони ўтаб келган фуқароларнинг қайтадан жиноят йўлига кирмасликлари учун тегишли органлар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай ишлардан бири маҳаллалар билан ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланиши бўлди. Ўйлайманки, бу ҳамкорлигимиз яхши натижаларни беради. Чунки ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир кишининг юриш-туриши, ҳатти-ҳаракати маҳалладошларининг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас. Ножўя ҳатти-ҳаракатлари билан жиноят кўчаси сари қадам ташлаётганларни биргаликда аниқлаб, уларни тўғри йўлга бошлаш, энг катта утқурларимиздан бири шу бўлади.

М.ХОЛМУРОДОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг  
1-ўринбосари, адлия маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон  
Республикасида хизмат кўрсатган юрист

МОЈАРОНИНГ ШЕКИ БОРМИ?

**Урганч шаҳридаги Нажиддин Кубро кўчаси, 57-уйда яшовчи Йўлдош Жуманиёзовни одамлар моҳир ҳайдовчи сифатида яхши танишади. У салкам 10 йилдан буён «Урганч йўловчи ташиш» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилиб келарди. 2002 йилнинг апрель ойида у бошқараётган «ЛАЗ-695» маркали, 22 АI 146 номерли автобуснинг «мазаси» қочди. Йўлдош ака эҳтиёт қисм сўраб жамият раҳбари Комил Курбоновга мурожаат қилди. Бошлиқдан тузукроқ жавоб бўлмагач, унинг ишга сўппайиб келиб-кетишдан бошқа илжо қолмади.**

ниёзов ишдан нотўғри бўшатишга учун К.Курбоновга оғзаки танбەх бериб, ходимни қайта ишга тиклаш лозимлигини уқтиради. К.Курбонов бўлса раҳбарининг ёнида Русланнинг ишга тиклангани эълон қилди-ю, у бошқариб юрган автобусни бошқа ҳайдовчига бериб қўяди. Оқибатда Р.Жуманиёзов яна бекор қолади. Устига устак, унинг касаллик варақаси учун пул тўлашларини сўраганида, ёшулли жаноблари жеркиб, бюллетенини иргитиб юборган.

Энди Йўлдош аканинг ахволига қайтасак. Утишининг ковагида асраб юрган жамғармаси ҳисобидан фалон пул турадиган эҳтиёт қисмларни сотиб олиб, «Икарус» маркали хусусий автобусни таъмирлайди. Бино и д е к бўлгач, ўти

гапни қисқа қилди. Мен эса қоним қайнаб кетиб: «Бермасангиз, шу пуллар тешиб чиқсин. Сиз ишдан бўшатсангиз ҳам куним ўтиб турибди», — деганча унинг хузурини тарк этдим...

Й.Жуманиёзовнинг куни нима ҳисобига ўтиб турганини яхши аналган К.Курбонов зтарсагидеъ, икита автобусни «Урганч — Навхос» йўналишига жўнатди. Одамлар эса ўриндиқларнинг тозалиги, ҳайдовчиларнинг хушмуомалалиги ҳамда кира ҳақининг арзонлиги боис хусусий «Икарус»га чиқарди. Хиссадорлик жамиятининг автобуслари йўл бориб, йўл келганча з а р а -

ланиб, салкам уч ой мобайнида Навхосга автобус қўйишни унутди. Қишнинг қор-қировли кунларида Навхос қишлоғи аҳлига фақат Илхом Жуманиёзовнинг хусусий автобуси хизмат қилди. «Урганч йўловчи ташиш» ХЖ эса бу йўналишни тендерда ютиб олган эди. Бирок салкам уч ой Навхосга автобус қатновини тўхтатиб қўйгани туфайли тендер шартлари бузилганини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Йўлдош ака ҳақдор сифатида пулни сўраб борган К.Курбонов яна эски ўйинларини бошлаб юборди. Бир неча «ЛАЗ»ларни мазкур йўналишда зириллатди. Яна алла-

қайси «жабрдийдаларни» «кашф қилганча» юқорига шикоят ёзди.

Ёмонга ёндосанг, қораси юқар деганларидек, Й.Жуманиёзовнинг ўғиллари Илхом ва Русланлар янги «Урганч — Маориф» йўналишини очиди. Маориф — Навхос қишлоғи маркалидан 8-10 км. олддаги маҳалла. У ерда яшовчи фуқаролар Хонқа ёки Урганч шаҳрига

К.Курбонов ота-бола бюллетенларини топширмаганини баҳона қилди. Ажабланарлиси шуки, Йўлдош аканинг ойлик маоши бир неча ойни қўшиб ҳисоблаганда ҳам 26.000 сўмни ташкил қилар экан. — Ишчиларнинг ишсиз юрган вақти учун ҳақ ёзилмайди, — деб изохлади буни К.Курбонов.

— Ишчиларнинг ишсиз қолишига ким айбдор? — деб сўрадик биз. Бошлиқдан аниқ жавоб бўлмади. «Таъмирлаш ишлари билан машғул бўлган ҳайдовчига ойлик маош ёзиладими?» — дея сўраганимизда, бошлиқ жаноблари «Ҳа!» деб жавоб берди. Йўлдош аканинг: «Унда нима учун менга бир неча ойлаб ҳақ ёзмагансиз?» — деган саволига: «Таъмирлашни слесар қилади. Сен ёнида сўппайиб турганинг учун пул тўлашим керакми?!» — деганча пичинг қилди Комил оға.

Хуллас, мазкур корхонадаги муҳит соғлом эмаслигини бу ерда бир-бировининг устидан ёзишлар авж олаётганидан ҳам билса бўлади. Муҳитнинг ёмонлашувига эса, бизнингча, раҳбариятдан бошқа ҳеч ким айбдор эмас. Бу ердаги акциядорларнинг ҳасрати фалакка ўрлайди.

— Курбоновдан олдинги раҳбар ҳар бир акция учун 30 сўмдан пул тўлаган. Ҳозир эса йил охирида ҳар бир акция учун 19 сўмдан улуш оламиз. Бу эса ахволнинг йил сайин ёмонлашётганидан дарак бермайдими?! — дейди мазкур ХЖ акциядори Н.Ўрозбоев.

Йўлдош ака ва ўғилларининг ҳар бирида 170 та акция мавжуд экан. — Акция улушини бераётганида ҳисобчилар пул ушлаб қолади. 2002 йил ҳисобига тўланадиган улушни эса ҳанузгача ололганимиз йўқ, — дейди Р.Жуманиёзов.

Н.Ўрозбоевнинг таъкидлашича,



# РАҚОБАТ —

# ЎЧАҚАШМАШ ДЕТАЛЛАМИ?

— Корхонада ўн йил ишлаб, бирор марта ҳам машина бузилган пайти эҳтиёт қисм олмаганман, — дейди биз билан суҳбатда Й.Жуманиёзов. — Ушанда ҳам ўзим маблағ топиб автобусни тузатмоқчи эдим. Бирок, май ойида шифохонага тушиб қўлдим ва 56 кун рематология бўлимида ўлим билан олишдим...

Ўпкасидан сув олдириб, шифохонадан эндигина уйига келган пайти Йўлдош аканинг ахволи унчаллик яхши эмас эди. У ҳасса билан юрарди. Соғлиги нари-бери ўнгангач, ишга чиқди.

— Ишга борган куним раисимиз К.Курбонов «ҳолинг нечук?» деб бир оғиз сўрамади, — дея ҳасрати-ни тўкиб солди Й.Жуманиёзов. — Салкам икки ой касалхонада ётганимда жамоа номидан ҳол сўрашга киши жўнатмаган ёшулидан яна қандай марҳамат кутиш мумкин дея ўзимни овутидим. Ва... бошлиқдан иш билан таъминлашни илтимос қилдим. «Ана, автобуснингги таъмирла-да, ишлайвер!» — деди К.Курбонов. Бу «чидасанг — шу, йўқса — ана катта кўча» дегандай гап эди...

Эҳтиёт қисм билан таъминланмаган Й.Жуманиёзов таътил ва касалхонада даволанган кунлари учун тўланадиган пулларни сўради. Аммо талаби инobatга олинмади. 2002 йилнинг 25 сентябрида мурувват истаб ишга борган ҳайдовчи кадрлар бўлими бошлиғидан «узрсиз ишга келмаганиги сабабли» вазифасидан озод этилганини эшитди.

Даровке, бу орада корхонада отасига ҳамкасб бўлиб ишлаётган ўғли Русланнинг ҳам тоби қочиб, касалхонага тушиб қолди. У соғлигини тиклаш билан овора бўлиб юрган бир пайтда уни ҳам «ишга узрсиз келмади» деган баҳонада ишдан бўшатишади. Бу адолатсизлик юзасидан Р.Жуманиёзов «Хоразмтранс» ХЖ раиси Р.Оллаберганога ариза билан мурожаат қилади. Шундан сўнг Р.Оллаберганоунинг шахсан ўзи «Урганч йўловчи ташиш» ҳиссадорлик жамияти меҳнат жамоаси иштирокида мажлис ўтказди ва Р.Жума-

Илхом унда «Урганч — Навхос» йўналиши бўйича қатнай бошлайди. Ўз вақтида мазкур йўналиш учун Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Хоразм вилоят бўлимидан лицензия олади ва вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида йўналиш харитаси (маршрут варақаси)ни тасдиқлатади.

Бундан Хонқа туманининг Навхос қишлоғи аҳолиси дўппини осмонга отиши. Негаки, собиқ Иттифок даврида бу йўналиш бўйича бирор марта ҳам автобус қатнамаган. Одамлар такси ёки йўловчи машиналарда вилоят марказига келиб-кетишга мажбур эдилар. Шундай қилиб, «Урганч — Навхос» Й.Жуманиёзов «кашф этган» янги йўналиш бўлди.

Ишдан бўшатишга, орадан бир ой ўтиб, Йўлдош ака ойлик маошлари, таътилга чиққан ва касалхонада даволанган кунлари учун тўланадиган пулларни олиш учун «Урганч йўловчи ташиш» ХЖга борарди. «Бошлиқ бериладиган пулларнинг 50 фоизини менга қолдирсанг, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳисоб-киتاب қилдираман деди, — дея ҳижоа қилади Йўлдош ака. — Мен эса бунага рози бўлмадим. Шунда Курбонов: «Ундай бўлса мендан бир тийин ҳам ололмайсанг», — деб

рига ишлар эди. Йўналишдан И.Жуманиёзов (Йўлдош аканинг ўғли) ни чиқариб юборишни кўзлаган жамият раҳбарияти турли баҳона ва найрангларни ўйлаб топдилар.

Жамиятнинг садоқатли ҳайдовчиси Улугбек Бакиев 2002 йил 15 декабрь куни тегишли маҳкамаларга шикоят тақдим этди. Арзига йўлда автобус бошқариб кетаётганимда Илхом Жуманиёзов ўз «Икарус»ини мен томонга буриб, йўналишдан чиқариб юбормоқчи, ҳалокат содир қилмоқчи бўлди, деб ёлгонни ямаб ёпиштирди. Бунда у Ўзбекистон халқ артисти Ҳожи Ортиқовни гувоҳ сифатида кўрсатади. Ҳожи оға эса У.Бакиевнинг сўзларини инкор этиб, ҳеч қандай ҳавфли ҳолат бўлмаганини таъкидлайди. Мўлжал нишонга тегмагач, кимларнингдир таъсири билан У.Бакиев «Илхом Жуманиёзовнинг кондукторидан калтак өдим» деган таразда судга мурожаат қилади. Жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди ишни одилона кўриб чиқиб, У.Бакиев ва унинг укаси Жасур Бакиевларга жами 18.140 сўм жарима жазосини тайинлайди.

«Урганч йўловчи ташиш» ХЖ раҳбарияти Й.Жуманиёзовнинг ўғилларидан аламини олиш мақсадида аризабозлик билан шугул-

ланиб, салкам уч ой мобайнида Навхосга автобус қўйишни унутди. Қишнинг қор-қировли кунларида Навхос қишлоғи аҳлига фақат Илхом Жуманиёзовнинг хусусий автобуси хизмат қилди. «Урганч йўловчи ташиш» ХЖ эса бу йўналишни тендерда ютиб олган эди. Бирок салкам уч ой Навхосга автобус қатновини тўхтатиб қўйгани туфайли тендер шартлари бузилганини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Йўлдош ака ҳақдор сифатида пулни сўраб борган К.Курбонов яна эски ўйинларини бошлаб юборди. Бир неча «ЛАЗ»ларни мазкур йўналишда зириллатди. Яна аллақайси «жабрдийдаларни» «кашф қилганча» юқорига шикоят ёзди. Ёмонга ёндосанг, қораси юқар деганларидек, Й.Жуманиёзовнинг ўғиллари Илхом ва Русланлар янги «Урганч — Маориф» йўналишини очиди. Маориф — Навхос қишлоғи маркалидан 8-10 км. олддаги маҳалла. У ерда яшовчи фуқаролар Хонқа ёки Урганч шаҳрига

бориб учун шунча йўлни яёв болғи келиб, Навхосдан улвога ўтиришар эди. Маориф ва унга қўшни Маданият маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ва бир гуруҳ фуқаролар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Хоразм вилоят бўлимига Жуманиёзовларнинг 22 F 64-00 ва 22 I 35-43 номерли хусусий автобуслари ушбу йўналишда очик тендер эълон қилингунга қадар қатнаб туришлари учун рухсат беришларини сўраб хат билан мурожаат қилдилар. Фуқароларнинг илтимоси инobatга олинди. Бирок К.Курбонов тиш қайрашдан чарчамади. У 23 март куни яна И.Жуманиёзов устидан тегишли идораларга шикоят қилади. Жамият ҳайдовчиси бўлмиш Зафар Саидовни жабрланувчи сифатида гиж-гижлайди. Тегишли маҳкаманинг маъсул раҳбарлари иштирокида «жабрловчи» билан юзлаштирилганда ёлгон-яшиқ гаплардан тонади. Зафар ҳақиқатни гапирарди.

Журналистик суриштирув жараёнида ҳақиқатан ҳам Й.Жуманиёзовнинг ойлик маошлари берилмасдан турганининг гувоҳи бўлдиқ. Таътил ва касаллик варақаси учун тўланадиган пуллар эса ҳисоб-киتاب қилинмаган. Жумладан, унинг ўғли Русланники ҳам.

жамиятда акциядорларнинг розилигисиз мулк талон-тарож қилинаётган экан. «Белда» маркали сакизта, «Кавз» маркали тўққизта автобуснинг ичак-чавоғидан айрилган балиқдек фақат кўзовдан иборатлигича турганлигининг гувоҳи бўлдиқ. «РАФ 22-03» маркали, 56-41 ХЗА номерли микроавтобус талон-тарож қилиб йорборилгани ҳақидаги фактни изохлашни сўраганимизда К.Курбонов унинг 2000 йил 10 майдаги 115-ишончномага асосан 9-«Янгибозор» автокорхонасига берилганини айтиди. Ваҳолакки, «Янгибозор»да биз «РАФ 22-03» маркали микроавтобус мавжуд эмаслигини аниқладик!

Дарҳақиқат, бозор муносабатлари ривожланишида рақобат муҳим аҳамият касб этади. Давлат, нодавлат ташкилотлари билан хусусий мулкдорлар ўртасида соғлом рақобат ривожлансагина тараққиёт кўзга ташланиши мумкин. Лекин рақобатлашиш шахсий адоватлар юзасидан ўчақишиш ёхуд фарз ниятлар билан иғво-бўхтонлар оловига ўтин қалаш дегани эмас. Буни «Урганч йўловчи ташиш» ХЖдаги мансабдор шахслар чқур аналғаб етади, деган умиддамиз.

Эрпўлат БАХТ,  
журналист

# «HUQUQ» ИЙ маслаҳатхона



E-mail: huquq@Infonet.uz



133-82-34, 133-64-72

## ДЎКОН ТАҚДИРИ

**?** Мен ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконда ишлар эдим. Яқинда жамият раиси ушбу дўконни бошқа кишига мажлис баёни билан олди-сотди шартномаси асосида сотиб юборди. Мен бундан беҳабар қолганман. Агар иншоот сотилмаган бўлса, уни биринчи бўлиб ушбу қорхонада ишлаб турган кишига таклиф этишлари керакми? Биржа орқали олди-сотди қилинган дўкон нархини юқори ташкилот раҳбари пасайтиришига ҳақлими? Агар ҳақли бўлмаса, бу ишни қилганлиги учун қонун бўйича қандай жавобгарликка тортилади? Дўконнинг сотилишидан беҳабар бўлган ва уни ўз ҳисобидан таъмирлаган ишчи қилган харажатлари қайтарилишини талаб қилишига ҳақлими?

Ақбар АКБАЕВ,  
Каттакўрғон шаҳри



«Акциядорлик жамиятлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, уларга тегишли мулккий, номулкий характердаги барча масалалар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида ҳал этилади. Акциядорлик жамиятига тегишли мол-мулкни сотувага чиқаришда унинг нархини белгилаш эса акциядорлик жамиятида ўрнатилган тартиб асосида амалга оширилади. Агар жамиятнинг филиали ёки бошқа ваколатли идорасига тегишли бўлган дўкон нархи билан юқори турувчи орган маълум сабабларга кўра келинмаса, уни ўзгартириш ёки янгидан кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин. Лекин сотувага қўйишга таклиф этилган мол-мулк биржа савдоларига қўйишдан олдин биржа томонидан белгиланган котировка нархлари асосида ҳаёлах қўрилади. Агар сотилмаган мол-мулк нархи меъридан ортиқча пасайтириб юборилганлиги аниқланса, унинг реал баҳоси аниқланиб, шундан кейингина сотувага қўйилади. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига кўра, савдо шитирикчиларининг биржадаги эъриш нархлар ўзгариши ёки қатъий қилиб қўйишга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай келишилган хатти-ҳаракат содир этишига йўл қўйилмайди. Бундай хатти-ҳаракат ҳоқимият ва мансаб ваколатини суиестемол қилиш ёки ушбу ваколат доирасидан четга чиқиб йўли билан содир этилса, айбдор шахсга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жазо чораси қўлланилиши мумкин.

Биржа савдосида сотувага чиқарилган мулкни харид қилишдан манфаатдор бўлган барча шахслар шитирик этишга ҳақлидир. Уларнинг бу ҳуқуқини бирон-бир тарзда чеклашга йўл қўйилмайди.

Меҳнат кодексининг 173-моддаси талабига мувофиқ, қилинган харажатлар эса иш берувчининг розилиги ва унинг манфати йўлида амалга оширилган бўлса, у тегишли тартибда иш берувчи томонидан қопланиши лозим. Ана шу харажатларни тўлашнинг миқдори ва тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, ҳодим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

## ТОПГАН ПУЛИМ НИМА БЎЛАДИ?

**?** Мен Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида буюртма асосида ишлашман. Саволим шунки, биз қурувчиларга четга чиқиб ишлашга рўхсат борми? Бизга бу борада қандай ҳуқуқ ва имтиёзлар берилган? Божхона постидан қанча чет эл валютаси ва сўм олиб ўтиши мумкин? Четдан бола-чақа учун қийим-кечак ёки бошқа совғалар олиб келишга рўхсат борми?

Озод МАДРАХИМОВ.

Хива шаҳри, Амир Темур кўчаси, 3-уй



Рўхсат бор. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги 162-қарорида белгиланган тартибга кўра, бугунги кунда хорижда касб ўрганиш ва ишлаш истгани билдирган фуқаролар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг Қорақалпоғистон Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва агентлик вакиллари томонидан рўйхатга олинибди. Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатларда меҳнат қилиши масаласи мамлакатимизнинг бу борада шу пайтга қадар тузилган билимларига мувофиқ амалга оширилади. Бугунги кунда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Малайзия, Япония, Саудия Арабистони, Жанубий ва Шимолий Корея давлатлари билан Ўзбекистон фуқароларига касб-ҳунар ўргатиш ва иш билан таъминлаш бўйича шартнома тузган.

**О.Мадраҳимовнинг кейинги саволларига Республика Бир прокуратураси ҳузурдаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти катта инспектори А.Эргашев жавоб беради.**

Хорижий валютани мамлакатимизга олиб кириш ва олиб чиқиш Президентимизнинг «Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудига нақд хорижий валюта олиб кириши ва олиб чиқишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1998 йил 20 март) ва «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги ҳиссасини раббатлантириш тўғрисида»ги (1998 йил 23 сентябрь) фармонлари, Ақлия вазирлигида 1999 йил 7 майда 716-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани Ўзбекистон ҳудудига олиб кириши ва олиб чиқиш тартиби» талаблари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон фуқароси (резидентлар) мамлакатимизга ҳеч қандай ҳужжатларсиз, эркин тарзда ўзи билан 1500 АҚШ долларига тенг миқдорда валюта олиб чиқиши ва чекланмаган миқдорда олиб кириши мумкин. Олиб кираётган ва олиб чиқяётган валюта Т-6 шаклдаги божхона декларациясида курсатилиши керак. 5000 АҚШ долларидан кўп миқдорда валюта олиб кираётганда божхона ҳодими томонидан ТС-28 ўрлоқчиси тўлдирилди, шундан сўнг валюта олиб чиқиш ҳуқуқи берилди.

Жисмоний шахслар ҳаққатан ҳам ўз эътиёжлари учун товар олиб кираётганлиги тасдиқланса, у ҳолда 1000 АҚШ долларидаги миқдордаги маҳсулотларни (ақидз солиғига тушадиган товарларга белгиланган меъерлардан ортиқчаси бундан муастно) ҳеч қандай тўловларсиз олиб келишлари мумкин. Махсулотнинг умумий баҳоси 1000 АҚШ долларида ошган тақдирда божхона юк баёниномаси тўлдирилади.

## ✓ GIYOHVANDLIK – ILLAT

Суд ҳукми билан икки инсон озодликдан маҳрум қилинди. Бири 34 ёшли Мақсуд Рўзметов — ўн бир йилга, иккинчиси 29 ёшли Адҳам Исмоилов — ўн йилга. М.Рўзметовнинг тўрт нафар фарзанди бор. Суд, албатта, уларнинг боқувчисиз қолаётганини ҳам ҳисобга олди. Шундай бўлса-да, унинг аёли, онаизори ҳукмини эшитгач зор йиғлашди.



# ЎЗИЛГАН ЗАНЖИР

Йиғламай бўладими, ахир отаси жазони ўтаб чиққунча болаларининг бари балоғат ёшига етиб қолган бўлади. Етгандайми қандай аҳволда? Балки уларнинг моддий тарафдан қийналмай яшашлари учун кимдир жон куйдирар? Лекин тенгқурлари орасида боши ҳам бўлмаслигига, болалик гаштини суриб, қунт билан билим олишларига ким ёрдам бера олади? Мақсуднинг етмишга кириб қолган онаси-чи? Ўн бир йилдан сўнг ўғлининг йўлига пешвоз чиқиб, кутиб олиш насиб қилармикан? Ахир, умр ўтқинчи.

Иккинчи судланувчи Адҳам Исмоиловнинг эса фарзанди йўқ. Оиласи билан ажрашиб кетган экан. Нега?..

Бундан бир неча йил олдин Ҳазорасп тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида яшовчи Исмоиловлар хонадони ҳақидаги гап-сўзлар туманга овоза бўлиб кетди. Даставвал, оиладаги тўнғич ўғил гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланишида айбланиб, қамалди. Сўнгра бу қилмишни оила бекаси Марҳамат Аҳмедова такрорлади. Улар «оилавий норкобизнесменлар» деб ном олишди. Маҳалла-қўйда уларни танимайдиган, билмайдиган, улардан хавотирланмайдиган киши қолмаганди...

Ўтган йили шу қишлоқда гиёҳвандлик туфайли машъум бир воқеа содир бўлган. Бир оиладан бирварақайга олти кишини ўлдириб кетишди. Шу йили қишлоқда гиёҳвандлик билан боғлиқ 88 та жиноят содир бўлди. Шундан кейин бу ерда жиддийроқ назорат ўрнатиш лозим бўлиб қолди. Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига масъулиятироқ деб топилган кимсалар тайинланди. Аммо, кўриб турганимиздек, бундай жиноят яна такрорланди.

Судда гувоҳ сифатида қатнашган Адҳам Исмоилов яшаётган участка нозир Умид Машарипов шундай кўрсатма беради: «Мен яқинда фермер хўжалигида ишлаб юрганида унинг отаси билан гаплашганман, уйига ҳам икки-уч марта борганман, ҳар сафар сўраганимда, бизда наркотиклар йўқ дейишарди...».

«Йўқ дейишарди»? Ахир қайси жиноятчи ўз қилмишини ўзи фош қилган ёки кимнидир огоҳлантириб жиноятга қўл урган. Айнан шу масъул кишиларнинг, теварак-атрофдагиларнинг бефарқлиги жиноят учун яратилган қулай замин эмасми? Жиноятга фақатгина жиноятчи эмас, унга шариот яратиб берганлар ҳам жавобгардир.

Ўша «машхур» оиладан чиққан сўнги «наркобизнесмен» Адҳам Исмоилов озоққа бориб ўтирмади. Ўз тоғаси Мақсуд Рўзметов билан биргаликда иш қилди. «Қамоқда ётган акандан хабар олиб келдим» деган нотаниш аёлга даллолик қилиб, тоғаси сақлаб келаётган 54,88 грамм героинни 50 граммга ҳисоблаб, ҳар граммни 27000 сўмдан сотаётган пайтида қўлга тушди. Бу героин, М.Рўзметовнинг айтишига қараганда, унинг уйда бир ярим йилдан бери ётган экан. Ҳўш, шу пайтгача маҳалла фаолларининг ҳўзи қаерда эди?..

Бу воқеа, унинг оқибатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Бундай иллатларга қарши ҳўшёрликни кучайтириш, шундан сўнг, кейин кеч бўлиши аниқ.


Муқаддас ИСМОИЛОВА,  
журналист

**УРУШ ТУГАДИ...**

Америка кўмондонлиги ўз ҳарбий кемалари ва стратегик бомбардирмончи самолётларини Форс кўрфазидан олиб чиқиш кетишини бошлади.

Ушбу минтақадаги АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига кўмондонлик қилаётган вице-адмирал Т.Киттининг сўзларига кўра, урушда қатнашган бешта авианосецдан икки ёки учтаси тез орада ўз портларига қайтиш тўғрисида буйруқ олади.

Уларнинг ҳар бирида 80 тадан ҳарбий самолёт ва кузатиб борувчи кемалар гуруҳи мавжуд. Уруш давомида авианосецлар



Ироққа ўртача 800 тадан «Томогавк» қанотли ракеталарини учуришган.

Кайтиш тўғрисидаги буйруқни урушга раҳбарлик қилган Т.Френкс беради. Биринчи бўлиб уйга февраль ойидан бери кўрфазда турган «Китти Хок» кемаси йўл олади.



**АВИАФАЛОКАТ**

Покистонда икки ҳарбий самолёт ҳалокатга учраб, бир учувчи ҳалок бўлган. Бу ҳақда мамлакат Мудофаа вазирлиги хабар тарқатди.

Исломободдан 100 км. жануби-ғарбдаги Пиндигхеб шаҳри яқинида А-5 самолёти кулаб тушган, учувчи катапулт ёрдамида омон қолган. Mushak ўқув самолёти эса мамлакат шимолий-ғарбидидаги Танжи шаҳри яқинида кулаган. Бир учувчи ҳалок бўлган, иккинчиси оғир жароҳатланганига қарамай, тирик қолган.

Фалокат сабаблари аниқланмакда.



**КОЧИШ**

2000 йили АҚШнинг «Коул» ҳарбий кемасини портлатишда асосий айбдорлардан деб гумон қилинаётган ўн киши жума кuni Ямандаги камокхонадан қочиш кетган. Ҳукумат вакиллари ушбу фактни изоҳлашдан бош тортмаяпти, бироқ жинойтчиларни кидириш ишлари бошланганини айтишган. Уларнинг айримлари, тахминларга кўра, 17 нафар америкаликнинг ҳаётига зомин бўлган мазкур портлашларнинг ташаббускори дея ҳисобланаётган «Ал-Қоида» ташкилоти билан алоқада бўлган.

**ҚАТЛ ЭТИЛДИ**



Саудия Арабистонида мамлакатга гашиш олиб кирганлиги учун Ироқ фуқароси қатл этилган. Бу ҳақда Ички ишлар вазирлигида хабар тарқатилган.

Мамлакат қонунларига кўра, қотиллар, зинокорлар ва наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчилар ўлимга ҳукм қилинади.

Ҳукм, одатда, омма олдида ижро этилади.

**ҚЎШИНЛАР ИРОҚҚА ЖОЙЛАШМОҚДА**

АҚШ Форс кўрфазидидаги қўшинлари сонини қисқартиряпти, айни пайтда эса мамлакатнинг 4-механизациялашган дивизияси ва 3-бронетанк полки Ироққа жойлашмоқда. Шунингдек, Германиядан 1-бронетанк дивизияси ва Техасдан 1-механизациялашган дивизия ҳам Ироққа етиб келиши кутиляпти.

Ироққа кўшин жойлаштирилишининг боиси шундаки, амалда уруш тугаган бўлса-да, Пентагон мамлакатда америкаликларга қарши исён ва ҳужумлар бўлиб туришидан хавфсиромоқда.

Шанба кuni Бағдодда юз берган шундай ҳужумларнинг бирида америкалик бир аскар ҳалок бўлди. Кийими тагига қурол яширган икки фуқаро унга қарата ўт очган. Аскарнинг шериклари ҳужум қилганларнинг бирини отиб ўлдиришган, иккинчисини яралашган.

«Вашингтон пост» газетасининг ҳисобига кўра, ушбу ҳодисани ҳам қўшганда Ироқ урушида 109 нафар америкалик ҳарбий ҳалок бўлган, 399 таси яраланган. Асирга тушган ва бедарак йўқолганлар сони 14 тадир.

**АСИРЛАР ОЗОД ҚИЛИНДИ**


Ироқдаги урушда асирга тушган америкалик 7 аскар озод қилинган.

Минтақадаги коалицион кучлар кўмондони Томми Френкснинг сўзларига кўра, Бағдод шимолидаги Самарра шаҳри яқинида Тикритга кетаётган денгиз пиледалари олдига маҳаллий аҳолига мансуб бир киши келиб, яқин атрофдаги бинолардан бирида америкалик ҳарбий асирлар сақланаётганини айтган. Аскарлар ўша бинога яқинлашганларида кўриқчилар қочиш кетишган ва шу тариқа асирликдаги Америка аскарлари озод қилинган. Улардан икки нафарининг, АҚШ Мудофаа вазири Д.Рамсфелднинг сўзларига кўра, ўқотар қуролдан олинган жароҳати бор.


Маълум бўлишича, улардан 2 таси «Апач» вертолётни кулаши натижасида, қолганлари эса ироқликларнинг пистирмасига тушиб қолиб асирга олинган. Ҳадемай уларнинг исм-шарифлари ошкор этилади. Пентагон расмийларининг маълум қилишича, уруш бошлангандан бери америкалик 7 аскар асирга тушган, 6 нафари эса бедарак йўқолган.

**СУРИЯНИНГ ХАВОТИРИ**

Шу кунларда дунёдаги айрим оммавий ахборот воситаларида Ироқдан кейин АҚШ қайси мамлакатга ҳужум қилар экан деган масала муҳокама қилинаёпти. Ёдингида бўлса, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ президенти Ж.Буш Афғонистон, Ироқ, Эрон, Шимолий Корея сингари давлатларни «зулм ўчоқлари» сифатида тилга олган эди. Шундан кейин Афғонистон ва Ироқда мавжуд тузумлар маҳв этилди. Америка мулозимлари томонидан Сурия Ироқ ҳукуматининг юқори мартабали вакиллари яшириб турибди деган тахминлар билдирилган, яқшабна кuni мамлакат ташқи ишлар вазири Фаруқ аш-Шара баёнот билан чиқди. Унда агар АҚШ Сурияга ҳужум қиладиган бўлса, бундан аввало Исроил жабр чекиши айтилади. Вазири сўзларига кўра, Сурия ироқликларни яшириб турмаганлигини АҚШ томони жуда яхши билади.



Айни пайтда Ироқ-Сурия чегарасида коалицион кучлар томонидан Саддам Хусайннинг тутинган укаси ва маслаҳатчиси Ватбан Иброҳим ат-Тикритий қўлга олинган. Турли даврларда у Хусайн ҳукуматида Ироқ Ички ишлар вазири ва бошқа юқори лавозимларни эгаллаб келган эди.



Нигоҳ

АҚШ. Вашингтондаги Конгресс биноси

**ЙЎЛДАГИ ФОЖЕА**

Яқшабна кuni Греция шимолида ўқувчиларни олиб кетаётган автобус 90 метр балангликдан дарага кулаб тушиши оқибатида 21 нафар ўқувчи ҳалок бўлган, 23 нафари жароҳатланган. Ҳалокат содир бўлган жой Афинадан 350 км. узоқликда, тоғли йўлдадир.

Дастлабки тахминларга қараганда, ҳайдовчи олдиндаги юк машинасидан тушиб қолган ходани айланиб ўтмоқчи бўлиб, автобусни бошқаролмай қолиши фожеага сабаб бўлган.

**ТАЖОВУЗ**

Чеченистондаги рус ҳарбийларига қарашли автоколонна ўққа тутилиши натижасида 6 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган. Бу ҳақда «Эхо Москвы» радиостанцияси хабар тарқатди. Тажовуз Самашки қишлоғи яқинида содир этилган. Жангарилар колоннани ўтказиб юбориб, уни кузатиб келаётган БТРни портлатиб юборишган. Сўнг машиналар гранатомётдан ўққа тутилган. Хабарда, шунингдек, кўплаб ҳарбий хизматчилар яраланганлиги тўғрисида айтилади.

**НУҚУҚ**

YURIDIK GAZETA

**Ta'isichilar:**

О'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

**Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,

Diishod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir Sharofboyev

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Hasan Inoyatov,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko' chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34.

**Reklama va e'lonlar:** 133-82-34

**E-mail:** huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Γ - 332 Nusxasi — 15677

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir: J.SHAROFBOYEV

Musahhib: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00 Bosmaxonaga topshirildi 22.55

✓ «HUQUQ» MEHMONI

**Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев билан суҳбат**



# ЖАҚИҚАТГА ИЖТИЛАМАН

— Ёдгор ака, «Шайтанат» бадий фильмининг кейинги қисмлари-га сиз режиссёрлик қилган экансиз, нима учундир унинг телеэкранга чиқishi қийин бўлапти. Бунинг сабаблари нимада деб биласиз?

— «Шайтанат»нинг тўртинчи китоби ҳам нашр этилди. Шу боис, ҳозир фильмининг тўртинчи фаслини суратга олаёмиз. Асарнинг барча қисмлари 20 сериядан иборат бўлиб, эфир учун лойиқ топилган, томошабинларга албатта тақдим этилади.

— «Шайтанат»даги сўнг яна қандай фильм ва спектакллarda янги образлар яратдингиз?

— Ҳозирча ҳеч қандай фильм ва спектаклда суратга тушмадим. «Шайтанат»ни аяқлаган, режиссёр сифатида Ўзбек миллий театрида Тохир Малиқнинг «Ҳазонрезги» деб номланган асарини саҳналаштиришни режалаштирганман.

— Ҳозирги кунда «Қалқон» студиясининг раҳбарисиз. Студияни ташқил этишдан мақсадингиз нима эди ва унга эришдингизми?

— Аввало, илк мақсадимиз сабо-вот иш қилиш, қолаверса, Ички

жиссёрдан бирор хато ўтса, кейинги томошадан аввал уни тузатиш мумкин, бироқ фильм суратга олинган, унга ўзгартириш киритиб бўлмайди. Фикримча, ўзбек киносининг илгариги доврқли фильмлари билан беллаша оладиган киноасар яратиш учун аввало режиссёрларимиз қобилиятли ва тажрибали бўлиши лозим.

— Бир қанча ролларни маҳорат билан ижро этиб, халқимизнинг юрагидан жой олгансиз. Лекин «Шайтанат»даги Асадбек образидан сўнг муҳлисларингиз, жумладан, ички ишлар ходимлари ҳам сизга Ёдгор Саъдиевга эмас, балки Асадбекка қарагандек муносабатда бўлаётган экан. Бу ҳақда фикрингиз?

— Бунинг асосий сабаби, мактабнинг эмасу, ролнинг ҳаётвий қилиб ижро этилганлигида деб биламан.

— Лекин Асадбек жиноятчи — салбий образ-ку?..

— Тўғри, салбий образ. Лекин актёрдан, образнинг қандайлигини дон қатъи назар, маҳорат талаб қилинади. Қаҳрамон ижобийми, салбийми, унинг руҳий кечинмаларини, ўй-фикрларини актёр ўз ҳолича ижро этиши керак. Дунёда ҳеч қайси инсон она-сидан жиноятчи бўлиб ту-ғилмайди. Унинг ёмон йўлларга киришига у ўсиб-улаган муҳит ва шароит сабаб бўлади. Асадбек ҳам ёшлигида дадасининг туҳмат билан қамалишини ўз кўзи билан кўради, қисқаси, бошдан кўп қийинчиликлар ўтади. Уша дамданоқ мурғак боланинг қалбида номардлардан ўч олиш фикри ўйғонади. Илк қилган жинояти ҳам отасини бесабаб қамаган милиция ходимини ўлдир-диш бўлади. Аста-секин ўзи билмаган ҳолда жиноятчи-қиморбозларнинг раҳбарига айланади.

— Асадбек чиндан ҳам салбий образ, лекин унда ҳам юрак, қалб, ички кечинмалар бор. У яхши одамларга, ўзига тегмаганларга озор бермайди, бироқ ёмонларнинг жазосини беришдан асло чарчамайди. Мен бадий фильмда қаҳрамонимнинг дилдан ўтаётган ҳис-туйғуларни очиб беришга ҳаракат қилдим, ҳолос...

— Қайтадан таъмирланган Ўзбек миллий театрини кўрган

одамининг ҳаваси келади. Театр биносининг бундай ўзгаллашуви жамоа репертуарига ҳам ўз таъсирини кўрсатади, менимча.

— Янги таъмирдан чиққан, гўзал ва ҳар томонлама қулай театр биносининг тақдим этилиши ҳукуватимиз томонидан санъаткорларга қилинган эҳтиром деб биламан. Албатта, шунга яраша меҳнат қилиш биз санъаткорларнинг бурчимиздир.

— Вақти-вақти билан байрамларда, ижодий учрашувларда қўшиқ айтасиз. Қўшиқчилик соҳасида ҳам ижодингизни давом эттиришни ўйлаб кўрганми?

— Албатта, бу ҳақда бир неча бор ўйлаб кўрганман, лекин бунинг учун вақт тополмайман шекилли. Қўшиқ айтиш-ни жуда яхши кўраман. Ишдан чарчаган вақтларимда ҳам қўшиқ хир-гойи қиламан.

— Одамлар орасида «Буюк шахслар биргаликда ишлай олмайди» деган гап бор. Ўзбек миллий театрида Ёқуб Аҳмедов, Эркин Комилов, Жамшид Зокиров ва сиз каби номдор санъаткорлар фаолият олиб боради. Парда ортида оз-моз келишмовчиликлар бўлиб турадими?

— Тўғри, олди-қонди гаплар жуда кўп. Фақат санъаткорлар эмас, ҳар кимнинг ҳаётида ҳам гап-сўзлар бўлиб туради. Биз ҳақимизда ҳам турли гаплар бўлиши табиий. Мен эса парво қилмайман. Чунки биз бир-биримиз билан дўстмиз, ора-мизда бундай келишмовчиликлар ҳеч қачон бўлмаган.

— Заиф томонингиз нимада?

— Билмадим, бу камчиликми ёки... Ноҳақликка чидай олмайман. Ҳар қачон ҳар ерда ҳақиқат устун бўлишини хошлаيمان ва шунга ҳаракат қиламан.

— Келгусидаги режаларингиз? — Келгусида «Қалқон» студиясида «Мустақиллик йилларида» деб номланган фильм ва Бобур ҳақида видеофильм олишни режалаштириб қўйганمиз.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА суҳбатлашди



ишларини раҳбарисиз. Студияни ташқил этишдан мақсадингиз нима эди ва унга эришдингизми?

— Аввало, илк мақсадимиз сабо-вот иш қилиш, қолаверса, Ички

✓ BIR CHINDIM KULGU

Отаси билан сайр қилиб юрган кичкина бола сирларга дуч келиб қолади.  
— Кўркма, кўркма,— деди отаси,— бу сир. Сен деярли ҳар кун унинг гўштиндан еб турасан.  
— Майли-ю, лекин бу сирларни пишмаган-ку.

\*\*\*  
Кутубхонада:  
— Мен бу китобдан 100 сўм топиб олдим. Сизда шу муал-

лифнинг бошқа китоблари ҳам борми?  
\*\*\*  
Укутувчи:  
— Ҳой бола, бир ўзинг шунча хато қилгани уялмайсанми?  
— Бир ўзим эмас, дадам билан бирга ёзганман.

\*\*\*  
Уч ёшли Боки кеч кираётганда деразадан қаради-да,

отасини чақирди.  
— Ойи, ойи, тез деразани ёнинг.  
— Негача энди, совуқ эмаску?  
— Ҳа, совуқ эмас, лекин қоронғу уйга кираяпти.  
\*\*\*  
— Ҳой бола, деразани сен синдирдингми? Тўғриси айтиб, айбингни бўйинга олсанг, жазонинг ярмини олсан. Бола савол берди:

SKANWORD

Тоғ тизмаси	Чорва	Туйнинг «укаси»			
			Нота	Юнонлар худоси	Суяк таом
Ширинлик	Қитъа				
Ранг			Совуқ минтақа		1... = 16 кг.
Авто русуми	Куш тури				
				Имо	Муъл-м қаҳ-ни
Биринчи	Тарихий иншоот				Курилли шйбси
Ўзбек халқ достони	Дўппи тури			Миллат	
Дерсу ...	Калтаксақ тури				

Тузатчи: А.НИШОНОВ

Жавоҳирот санъати

Дарду балога йўлиққанлар сизга ибрат бўлсин. Ўз вақтида содир бўлган зиённи бе-вақт келган фойдадан афзал билинг. Одамлар билан муро-са мадора қилинг. Ҳар жойда мадора билан бўладиган ишда тезлик қилманг. Дўсту душман билан иноқ бўлинг. Ўз нажозангиздан ташқари оёқ қўйманг.

\*\*\*

Сиз мол-дунёга эмас, мол-дунё сизга хизмат қилсин. Аҳмоққа, мастга ва нодонга насиҳат қилманг. Насиҳатингизни қабул қиладиганларга қилманг. Насиҳатингизни ҳор қилманг. Ўзгалардан пинҳона таом еманг. Қўл остингиздагиларга раҳмдил бўлинг. Бировнинг ризқига кўз тикманг.

Ҳусайн ХЕФЗИЙ

✓ BU QIZIQ

ҚОРА ҚҮЮН

АҚШнинг Флорида штатида юз берган автомобиль халокатининг ўзига хос жиҳатлари бор. 80 миллионга асарларини олиб кетаётган юк машинаси ағдарилиб кетиши натижасида 82 яшар ҳайдовчи — юк эгаси Конрад Крамер халок бўлди, асарларилар эса қунодек ҳавога кўтарилишди. Қутқарувчилар бир неча соат мобайнида Крамернинг жасадини машина тагидан чиқариб ололма-дилар: «Қора қуюн» унинг атро-фини ўраб олиб, ҳеч кимни яқинлашишга қўймади.

«ҚОТИЛИ» БИЛАН БИРГА ЯШАГАН

Беш йил бурун бедарак йўқолган ва ўлдирилган деб ҳисобланаётган Австралия фуқароси ўзининг «қотили» устидан бўладиган суд мажлиси бошланишидан олдин топилган. 1998 йил июль ойида йўқолиб қолган 18 яшар Наташа Райан ўз уйдан атиги бир километр узоқликда «янги ҳўжайини» билан бирга яшаб келган экан. Бундан 9 кун олдин 51 яшар Леонард Жон Фрейзер Брисбейн шаҳар судига Н.Райан ва яна уч нафар аёлини ўлдирганликда гумон қилиниб, айбланувчи сифатида жалб қилинган эди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи Н.Файзуллаевга турмуш ўртоғи **Эльвира ШОҒУЛОМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чқур таъзия изҳор қилади.